XALQ DEPUTATLARI URGANCH TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 15 - oktabr VI-66-149-12-173-K/22 Urganch tuman hokimligi

Урганч туманидаги аҳоли пунктларининг таркибий қисмлариганом бериш ва қайта номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, “Фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунларига асосан, география объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, ҳиёбонлар) ном бериш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифи ҳамда илова ҳужжатларини кўриб чиқиб, халқ депутатлари тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 08.09.2022 йилдаги №08-07847-сонли хати, Республика эксперт комиссиясининг №00521 сонли хулосаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Урганч тумани Хамид Олимжон маҳалласидаги 1 та номсиз кўча 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг Давлат кадастрлар палатаси Хоразм вилоят бошқармасининг Урганч туман филиали мазкур ном қўйилган кўчани фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда, туман бўйича тасдиқланган ягона замонавий миллий дизайн асосида бир ой муддатда география объектлар (янги ном берилган кўчалар) номлари қайд қилинган пешлавҳаларни ўрнатсин.

Туман ички ишлар бўлими ном берилган жойда аҳолининг фуқаролик паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларининг ташкилий равишда амалга оширилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни белгиласин.

Белгилансинки, географик объектлар номлари қайд қилинган пешлавҳаларни ўрнатиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар қонунда белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган “Урганч ҳақиқати” газетасида эълон қилинсин.

Туман ҳокимлиги Бош юрисконсульти (С.Зарипов), туман ҳокимининг матбуот котиби (А.Аннахасанов) билан бирга мазкур қарорни туман ҳокимлигининг urganchhokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Наврузов ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Урганч туман ҳокими **Ф.Шарипов**

Xalq deputatlari Urganch tuman
Kengashining
2022 yil 15 oktabrdagi
VI-66-149-12-173-K/22-son qaroriga
1-ilova

Урганч тумани Хамид Олимжон маҳалласидаги номсиз кўча рўйхати

Т/р.	**География обектнинг тури**	**Жойлашган ўрни**	**География обектнинг амалдаги номи**	**Вилоят комиссияси томонидан берилган таклиф**	**Изоҳ**
1	Кўча	Ҳамид Олимжон МФЙ	Номсиз кўча	Ваисбобо кўчаси	